

ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ихтиёр Бахтиёрович ДЖУРАЕВ

профессор

юримик фанлар доктори

Тошкент давлат юримик университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: ikhtiyor.djurayev@gmail.com

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасаларида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати олий таълим сифатини таъминлашга хизмат қилувчи омиллардан бири сифатида таҳлил этилади. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари ходимлари ва талабаларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид масалалар ёритилади ҳамда бу борада тегишли таклифлар илгари сурилади.

Таянч сўзлар: қонун, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари, олий таълим, прокурор назорати, самарадорлик, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жавобгарлик, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш.

ВЛИЯНИЕ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА НА КАЧЕСТВО И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОБРАЗОВАНИЯ

Ихтиёр Бахтиёрович ДЖУРАЕВ

профессор

доктор юридических наук

Ташкентский государственный

юридический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: ikhtiyor.djurayev@gmail.com

Аннотация

В статье анализируется прокурорский надзор за соблюдением законодательства в высших учебных заведениях как один из факторов, способствующих обеспечению качества высшего образования. В то же время были представлены вопросы, связанные с повышением правовой культуры сотрудников и студентов высших учебных заведений, и выдвинуты соответствующие предложения.

Ключевые слова: закон, верховенство закона, права человека, высшее образование, прокурорский надзор, эффективность, нормативный правовой акт, ответственность, повышение правовой культуры, профилактика правонарушений, правильное применение норм законодательства.

Маълумки, халқаро стандартларга жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш жараёни таълим соҳасида янгиликлар, янгича ёндашувларни жорий қилишни, шунингдек ушбу соҳадаги ижобий тажриба ва ютуқларни оммалаштиришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, давлат ва жамият ривожига таълим тизимининг сифат жиҳатидан юқори даражада ташкил этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларга билим олишлари учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратиш орқали уларнинг билим олишга бўлган ҳуқуқлари янада кафолатланади.

Тараққиёт стратегиясида тўртинчи йўналиш адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш бўлиб, олий таълим билан камров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш ушбу йўналишда амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Таълим ҳуқуқини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш – жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланишининг муҳим шартидир [2].

“Инновация – келажак дегани” экан, рақобатбардош келажакимизни барпо қилиш учун инновацион ғоя ва ташаббуслар ижодкорлари бўлмиш ёш, интеллектуал салоҳияти юқори, ҳар томонлама рақобатбардош, авлодни тарбиялаш эътиборимиз марказида бўлиши лозим” [9].

Жамият ривожига – таълим сифатига боғлиқ. Таълимнинг халқаро тан олинган методлар асосида ташкил этилиши, тарбия – бугун ва келажак учун олий даражада бўлиши, инновация ва қонунийликни ўргатишга йўналтирилиши лозим.

Таълим сифати – инсон ҳаёт-фаолияти сифатини ошириш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маънавий юксалиши ва аниқ мақсадга эришишда фойдаланиш учун зарур бўладиган, қўлланиладиган, асос бўладиган аниқ шароитларда талаб этилиб олинган билимлар мажмуидир [6].

Бу иккала тушунча ҳар бир соҳада устувор бўлиши, шу орқали тегишли йўналиш ва соҳани ривожлантиришга ҳаракат қилиниши лозим. Ҳар қандай янгилик қонуний бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаслиги керак.

Ғ.А. Абдумажидовнинг фикрича, “...ҳар бир шахс жамиятда ўз ўрнига эга, турли ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланади, кенг қўламда манфаатларини кўзлашга ҳақли” [1]. Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар бир ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий вазифаси ўз фуқароларига ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериши ҳамда уларнинг қонуний манфаатлари муҳофазасини тўлиқ таъминлаши лозим.

Конституция ва қонуннинг асосий хусусияти ҳам уларнинг қоидалари бажарилиши шартлигидир. Бунинг учун жамиятнинг барча аъзолари, тузилмалари Конституция ва қонунларни сўзсиз тан олиши керак. Конституция ва қонунларни сўзсиз тан олиш учун уларни билиш зарур. Конституция ва қонунлар жамият аъзоларига турли шаклдаги билимлар бериш, ташвиқот-тарғибот олиб бориш натижасида етказилади [10].

Ҳукуматимиз томонидан олий таълим сифатини халқаро талабларга мувофиқлаштириш, илғор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларининг ижобий тажрибасини миллий олий таълим муассасаларимиз таълим жараёнига киритишга алоҳида эътибор берилиб, бу йўналишдаги ишларни ривожлантириш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар бир олий таълим муассасаси, унда мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этишда таълим бериш тизими аниқ белгилаб берилмоқда.

Н.Н. Макеевнинг қайд этишича, “Таълим – бу инсон ҳаёти сифатининг зарурий элементи бўлиб, уни нафақат моддий бойликлар жами, балки соғлиқ,

жамият ҳаётида иштирок этиш сифатида кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади” [5].

М.Н. Кудилинский: “Таълим соҳасидаги давлат назоратининг устувор мақсади – бу таълим фаолияти сифатини таъминлаш ва уни давлат стандартларига мувофиқлаштириш. Ушбу мақсадга эришиш учун қонун чиқарувчи жамоатчилик назорати усулларида фойдаланади (назорат тадбирларига талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда уларнинг қонуний вакиллари жалб қилиш орқали), текширилаётган таълим муассасаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини камайтиради ва ҳуқуқни тикловчи характердаги мажбурлов чораларини қўллашни соддалаштиради” [4], – деб таъкидлаган эди.

Шуни қайд этиш лозимки, прокуратура органлари томонидан ўрганиш ўтказиш жараёнида Молия вазирлигидан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан, олий таълим муассасаларидан, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларидан ва бошқа ташкилот ҳамда идоралардан мутахассислар жалб қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасаларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокуратура органлари томонидан қуйидаги талабларни инобатга олиниши ўрганиш жараёнида турли муаммоларнинг келиб чиқишини олдини олишга, таълим сифатини таъминлашга ва мазкур органга бўлган фуқаролар ишончининг ортишига олиб келади.

Биринчидан, ўрганиш жараёнида олий таълим муассасасининг тегишли фаолият йўналишларини тартибга солишга қаратилган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига асосий эътиборни қаратиш зарур.

Иккинчидан, олий таълим муассасаларида ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганиш жараёнига мазкур ўқитиш тизимини тушунадиган тажрибали мутахассисларни кенг жалб қилиш лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, республикамизда бошқа соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимини ҳам халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда юқори сифат босқичга олиб чиқиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси 2-бандида: “Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим” [3], – деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган бўлиб, мазкур концепцияда олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам назарда тутилган.

Бундан маълумки, олий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш орқали фидоий, ўз соҳаси бўйича пухта билим, кўникма ва малакага эга, шиддат билан ривожланиб бораётган дунё рақобат бозорида ўзининг юқори малакалилиги билан ўрнини топа оладиган кадрларни тайёрлаш олдимизда турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур жараёнда олий таълим тизими ва уни ривожлантириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга олий таълим муассасаларининг риоя этиши, берилган ҳуқуқ ва имтиёزلардан самарали, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишини прокуратура органлари томонидан назорат қилиниши ҳам ўз навбатида таълим сифатига ижобий таъсир этади.

Қонун – инсон, жамият ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. Қонун давлат олий вакиллик органларининг энг юқори кучга эга бўлган ҳужжатидир [7].

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (2001 йил 29 август, 257-II-сон)да Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат амалга оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш мустаҳкамланган.

Қонун устуворлиги – жамиятда демократия ва қонунчилик таъминланишига хизмат қилувчи тамойилдир. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар

белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар”.

Қонун устуворлиги таъминли:

биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларнинг қатъий ҳукмронлигини билдириб, юқорида таъкидланганидек, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишида;

иккинчидан, ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганини аниқлаб, мамлакат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганида;

учинчидан, ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун қонунларнинг ҳуқуқий асос вазифасини бажаришида намоён бўлади [8].

Юқорида қайд этилганидек, қонун устуворлиги нафақат олий таълим балки бошқа соҳаларда ҳам муносабатларни тартибга солиш асоси вазифасини бажаради. Қонун устуворлигини ўзининг фаолиятида устувор деб билмаган ҳар қандай фуқаро, жамият ва давлатда ривожланиш сари қилинган ҳаракат самарасиз якунланади. Шу боис, қонун ҳар бир соҳада дастурамал бўлиши, унга қатъий амал қилиниши ўз навбатида самарадорликка хизмат қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдумажидов Ғ.А. Адолат, жавобгарлик, жазо. – Тошкент: Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, 2003.

2. Деманова С.В. Конституционное право на получение бесплатного высшего образования в Российской Федерации. Автореф. ...дис. канд. юрид. наук. – Саратов, 2012. – С. 3 // https://www.sgu.ru/sites/default/files/dissnews/old/synopsis/avtoref_56.pdf

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А. Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004.

4. Кудилинский М.Н. Особенности правового регулирования государственного контроля в сфере образования //Журнал российского права №12, 2017 // <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-pravovogo-regulirovaniya-gosudarstvennogo-kontrolya-v-sfere-obrazovaniya/viewer>

5. Макеев Н.Н. Прокурорский надзор за исполнением законов о высшем профессиональном образовании в Российской Федерации. Автореф. ...дис. канд. юрид. наук. – Москва, 2005.

6. Назарова Ф.У. Олий таълимда баҳолаш тизимини такомиллаштириш хусусиятлари //Замонавий таълим. Современное образование, 2017. – №4.

7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005.

8. 10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 11-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005.

9. Қаҳҳаров О., Адизов Б. Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги: тушунчалар, фикрлар, қарашлар // Жамият ва бошқарув, 2019. – №1 (83). – Б. 111.

10. Ҳусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2013. – Б. 111.